



Юрт истиқболини ўйлаб яшаш — олий бахт!

# Фермер

Ижтимоий-иқтисодий журнал. 2015 йил. Июль



Фарх

## НОН ҲАҚИДА ҚЎШИК

6-бет



# ШҶРГА ЧИДАМЛИ НҶХАТ

НҶхат навларининг шҶрга чидамлигини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларида қизиқарли жараёнлар кузатилади.

Бунинг учун нҶхатнинг 12 та нав намунасининг кучсиз (қуруқ қолдиқ-0,335 %;  $Cl$ -0,031 %,  $SO_4$ -0,162 %), ўртача (қуруқ қолдиқ-0,410 %,  $Cl$ -0,042 %,  $SO_4$ -0,193 ва кучли (қуруқ қолдиқ-1,005 %,  $Cl$ -0,090 %,  $SO_4$ -0,522 %) шҶрланган тупроқларда унувчанлиги ва ўсиш кучи аниқланди.

Кузатувлар жараёнида нав намуналарининг унувчанлиги уч гуруҳга бўлиди. Биринчи гуруҳ унувчанлиги 40 фоизгача бўлган (шҶрга чидамсиз), иккинчи гуруҳга унувчанлиги 40 фоиздан 60 фоизгача (ўрта) ва учинчи гуруҳга эса унувчанлиги 60 фоиздан юқори бўлган (шҶрга чидамли) намуналар ажратилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, кучли шҶрланган тупроқларда ўрганилган 12 та нҶхат нав намуналаридан бирортаси ҳам унмади.

Уруғнинг униб чиқиш қуввати унинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлардан ҳисобланади. Уруғ таркибидаги мой ўсимлик организмида, асосан энергетик вазифани бажаради. НҶхат дони таркибида мой миқдори кам бўлиб, у 4-8 фоизни ташкил этади. Бу ўз навбатида нҶхат нав ва намуналарининг унувчанлик энергиясининг паст бўлишига сабаб бўлади.

Фақат кучсиз шҶрланган тупроқда "FLIP98-140с" ва назорат навида униб чиқиш қуввати 10-


20 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича назорат навиға тенглаша оладиган нав намуналари аниқланмади.

Унувчанлик навлар ўртасида кучли ўзгаришчан бўлиб, 70-10 фоизни ташкил этади. Нисбатан ижобий кўрсаткич "Ўзбекистон-32", "FLIP98-82с", "FLIP98-140с", "FLIP98-152с", "FLIP98-183с" нав намуналарида қайд этилди.

Майсанинг (10 кунлик) ўсиш кун бўйича олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилган нав намуналаридан назоратта нисбатан ижобий кўрсаткичга эга бўлганлари "FLIP98-178с" (80 л), "FLIP98-14с" (70 л), "FLIP97-51с" (73 л), "FLIP95-46с" (71 л), "FLIP3279" (87 л) танлаб олинди.

100 та майсанинг вазни назоратда 66 граммни ташкил қилган бўлса, "FLIP97-220с", "FLIP98-82с", "FLIP98-140с", "FLIP98-152с", "FLIP98-183с" нав намуналарида бу кўрсаткич 50-66 граммга тенг бўлди.

НҶхат пояларининг билаңлиги ўрганилган коллекцион намуналарда 10,3-24 сантиметрни ташкил этиб, назоратта нисбатан паст









натижа қайд этилган бўлсада, барглар сони бўйича эса назоратга нисбатан 11 та коллекцион намуналардан 6 таси ("FLIP98-82с", "FLIP98-140", "FLIP98-152с", "FLIP98-183с", "FLIP97-220с", "FLIP3279с")да юқори кўрсаткичлар кузатилди.

Тупроқ шўрланиш даражасининг ортиши ҳам унувчанликка таъсир кўрсатди. Кучсиз шўрланган тупроқларда унувчанлик назоратда 70 ўртача шўрланган тупроқларда эса 10 фоизни ташкил этди. Айнан шундай натижалар майсанинг ўсиш кучи, ўсимлик бўйи ва барглар сони каби кўрсаткичларда ҳам қайд этилди.

Олинган тажриба натижалари шунини кўрсатадики, тупроқ шўрланиш даражасининг ортиб бориши нафақат унувчанликка, балки 100 та майса вазни, ўсимлик бўйининг баланглиги ва барглар сони каби миқдорий кўрсаткичларга таъсир кўрсатди. Кучсиз шўрланган тупроқларда ўрганилган нўхат нав намуналарида 100 та майсанинг вазни 40-87 грамм, поя баланглиги 10,3-25,3 сантиметр, барглар сони 4,5-8 донани ташкил этди.

Шунингдек, ўртача шўрланган тупроқда нўхатнинг "FLIP98-82с" намунасида барча кўрсаткичлар бўйича назоратга нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилган бўлса, "FLIP98-140с", "FLIP98-183с", "FLIP98-178с", "FLIP98-14с", "FLIP97-51", "FLIP95-46с", "FLIP98-17с" намуналарида 100 та майсанинг вазни назоратга нисбатан 3-22 грамм ортиқ, барг сони эса 0,5-3,5 донга қўп бўлиши, аксинча ўсимлик бўйининг (2,2-10,2 см) паст бўлиши аниқланди.

Натижага кўра, нўхатнинг "FLIP98-82с", "FLIP98-140с", "FLIP98-152с", "FLIP98-183с" нав намуналари шўрга чидамли деб топилди. Умуман олганда, лаборатория шароитида нўхат намуналарининг шўрга бардошлилигини аниқлаш олдиндан шўрга чидамли навларни танлаб олиш ва селекция учун бошлангич манба сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида шўрланган экин майдонларида нўхат селекциясини олиб бориш учун илмий асосланган бошлангич манба бўлиб хизмат қилади.

■ Г. МИРШАРИПОВА,  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
М. БОТИРОВА,  
тадқиқотчи.

## УНИВЕРСАЛ ҒАЛЛА СЕЯЛКАСИ

Бутунги кунда мамлакатимизда сугориладиган майдонларда кузги ғалланинг саксон фоизга яқини ғўза қатор орасига экилмоқда. Бироқ махсус сеялкалар йўқлиги туфайли уруғи сочма усулда экин усулидан фойдаланилади. Бу уруғликни белгиланган меъёрдан қўп сарфлаш, меҳнат ва ёқилги сарфининг ортиб кетишига олиб келади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини доценти Абдурашид Жаҳонтиров томонидан яратилган универсал сеялка мамлакатимизда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, бунда мавжуд ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.



— Ўтган йили Самарқанддаги "Кинал" корхонасида универсал сеяланинг 60 ва 90 сантиметр ўлчамли ғўза қатор оралиғига уруғ экишга мўлжалланган модификацияси ишлаб чиқилди, дейди А. Жаҳонтиров. — Лойиҳа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синиш давлат маркази томонидан сертификатланди.

Универсал сеялка ёрдамида ғалла экин ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғлик ва ёқилги сарфини камайтириш имконини беради. Ёўза қатор орасига сочма усулда ғалла экишда бир гектар майдонга ўртача 250 килограмм уруғлик сарфланса, яъни сеялка ёрдамида 200 килограмм дон экилади. Экин жараёнида техника кучидан бир неча марта эмас, балки агрегатнинг бир марта ўтишида жўяларни шакллантириш, уруғни 3-5 сантиметр чуқурликка қаторлаб қўмиш ва ҳатто уруғ билан бирга минерал ўғит ҳам беришни ҳам бажариш мумкин. Умуман, универсал сеялка ёрдамида экин операцияларининг сифатли бажарилиши ҳисобига уруғ 20-25 фоиз, ёқилги 1,5-2 баробар кам сарфланади. Вақт тежалиши натижасида ғалла экишни оптимал муддат — 20 сентябрдан 20 октябргача амалга ошириш имконияти кенгайди ва уруғнинг бир текис, тўлиқ қўқариши, соvuқ об-ҳавога қолмай туллаши ҳисобига яъни ҳосил 10-15 фоиз ошади.

■ Норбой ҲОҚОВ,  
иқтисод фанлари доктори,  
Оятуллох АБДУЖАББОРОВ,  
изланувчи.